



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI BOG'OT  
TUMANI HOKIMINING  
QARORI**

**Bog'ot shaharchasi, O'zbekiston ko'chasi, 18-uy**

2021 -yil 29 - Iyber

166a -son

**Bog'ot shaharchasi**

Фуқаро Искандаров Муроджон Рўзметовичга  
Боғот тумани “Узумзор” шаҳарчаси ҳудудига  
вақтинча енгил конструкцияли “Континер”  
ўрнатишга рухсат бериш тўғрисида.

Боғот тумани “Узумзор” шаҳарчасида яшовчи фуқаро Искандаров Муроджон Рўзметовичнинг “Узумзор” шаҳарчаси ҳудудига вақтинча (2,8x12,0) 33,6 квадрат метр ўлчамдаги “Континер” ўрнатишга рухсат беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2020 йил 9 декабрдаги ХО-И-3461-сонли аризасини, Боғот туман Архитектура ва қурилиш бўлимининг 2020 йил 23 декабрдаги 488-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонунининг 10, 25-моддаларига, “Ер кодекси”нинг 62-моддасига асосланиб

**Қ А Р О Р                    Қ И Л А М А Н:**

1. Боғот тумани “Узумзор” шаҳарчасида яшовчи фуқаро Искандаров Муроджон Рўзметовичга “Узумзор” шаҳарчаси ҳудудига (2,8x12,0) 33,6 квадрат метр ўлчамдаги енгил конструкцияли Континерни вақтинча 1 (бир) йил муддатга ўрнатишга рухсат қилинсин.

2. Фуқаро Искандаров Муроджон Рўзметовични “Узумзор” шаҳарчаси ҳудудига вақтинча (2,8x12,0) 33,6 квадрат метр ўлчамдаги енгил конструкцияли “Континер” ўрнатилиши учун ажратиб берилган ер майдонидан мақсадли фойдаланмаганда ёки ажратиб берилган ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланганда ҳамда келгусида янгидан қуриши ёки қайта реконструкция қилиши учун белгиланган тартибда тегишли ташкилотлар билан келишмаган ҳолда амалга оширилганда Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 36, 38-моддасига асосан ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи тўхтатилиши тўғрисида огоҳлантирилсин.

3. Туман архитектура ва қурилиш бўлими (Ф.Қурбонов)га фуқаро Искандаров Муроджон Рўзметович “Узумзор” шаҳарчаси ҳудудига вақтинча (2,8x12,0) 33,6 квадрат метр ўлчамдаги енгил конструкцияли “Континер” ўрнатилиши учун ер майдонини белгилаб бериш вазифаси топширилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Қуръязов зиммасига юклатилсин.

**Боғот тумани ҳокими  
вазифасини бажарувчи**

**Ш.Яхшибаев**